

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ — УЧ МИНГ ЙИЛЛИК ТАРИХ ВА МАДАНИЯТИМИЗНИНГ СЎНМАС ОВОЗИ

17 март куни Ислом цивилизацияси марказининг расмий очилиши ва ифторлик маросими бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этди.



Ислом цивилизацияси маркази асри-мининг маърифат маёғи! У ҳозир инсоният катта ҳаётга сезаётган тинчлик, бағрикенглик ва ишончли дўстлик рамзи! Янги Ўзбекистоннинг илмий-маърифий юксалиши, Учинчи Ренессанс пойдевори. Ушбу марказ фақат тарихдан сўзлайдиган замонавий мажмуа эмас. Утмишни бугун билан боғлаб, ҳозирги кунларимизни ёрқин келажак кафолатига айлантирадиган том маънодаги илм-маърифат маскандир.

Президентимиз 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Тошкентда Ислом цивилизацияси маркази бунёд этилаётгани ҳақида сўзлаган эди. Ушунда муқаддас динимиз инсониятни фақат ва фақат эзгулик ва тинчлик, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлаш, илм-маърифатга даъват этиши таъкидланган.

Мамлакатимиз етакчиси 2018 йил 15 июнь — Рамазон ҳайити куни Ислом цивилизацияси марказига рамзий тамал тоши қўйгани ёдимизда. Бу йил яна муборак Рамазон ойининг қўллуғ кунларида — мамлакатимизда кўшалоқ байрам шукуҳи кезиб юрган кезларда ушбу марказнинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Бунда ҳаётнинг гўзал рами, яхши амаллар ойдан нур олган маскан дунё аҳлини эзгуликка қорлайдиган

тамаддун майдонига айланишидан далолат, назаримда.

Ўтган йилларда марказ ана шу юксак гоя ва мақсадларнинг амалий ифодаси ўлароқ қад ростлади. Мазкур муҳташам лойиҳа халқимизнинг уч минг йиллик тарихи, бунёдкорлик салоҳияти, жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссаси, буюк аждодларимизнинг маданий-маърифий меросини қамраб олган. Айни пайтда замонавий техник имкониятларга ва ишончли, бой тарихий манбаларга эга илмий марказ аждодлар меросини чуқур ўрганиш ва кенг омалаштиришга хизмат қилади.

— Бу маскан билан танишган ҳар бир одам, халқимиз, айниқса, ёшларимиз ислом динининг гуманистик моҳиятини англаб етди, ўзининг қандай улуг мерос эгаси эканини ҳис этиб, қалби ғурур ва ифтихорга тўлади, — деди Президентимиз.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази маҳобати, майдони ва қамровига кўра, дунёда ислом тарихи, маданияти ва тамаддуларни ўрганиш ҳамда тарғиб этишга қаратилган йирик мажмуалардан. Унинг замонавий технологиялар билан жиҳозлангани шонли тарихни кўз олдимизда жонлантириш, манбалардан тез ва самарали фойдаланиш имконини беради. Шу жиҳати билан ҳам марказ шонли ўтмишдан қувват олиб, ёрқин келажак сари одимлаётган янги Ўзбекистон қиёфасини акс эттиради.

Марказ бизнес мамлакатимиз етакчисининг меъморий гоя ва таклифлари асосида лойиҳалаштирилган. Қурилиш жараёнида давлатимиз раҳбари ушбу мажмуага бир неча бор ташриф буюриб, бунёдкорлик ишлари билан танишди. Ҳар сафар унинг мазмуни ва шакли янада мукаммал бўлиши юзасидан қимматли тавсия ва маслаҳатларини берди. Хусусан, 2025 йилнинг ўзига Президентимиз марказга бир неча марта келиб, экспозициялар, инфратузилма, маърифий ва илмий йўналишларни такомиллаштириш бўйича муҳим қўрсатмалар берди.

Президентимиз куни кеча мазкур мажмуага ташриф буюрар экан, яратилган шароитлар, бой экспозициялар ва янги ташаббуслар билан танишди. Дастлаб марказнинг маънавий қалби бўлган Қуръони карим зали билан танишилди. Унда яратилган маънавий муҳит ва ноёб экспозициялар кўздан кечириб.

Марказнинг тўлиқ замонавий технология асосида бунёд этилгани мазкур залда ҳам яққол кўзга ташланади. Гумбаз остида махсус мэпинг голограммаси ўрнатилган. Унда киноот тасвири намойиш бўлиб, юлдузлар жилоланади. Эътиборлиси, улар Тошкент осмонда кўринадиган юлдузлар харитаси асосида шакллантирилган. Уларни ифода этиш учун 90 донга “сваровский” тоши ва 650 дан ортиқ чирокдан фойдаланилган. Бу залга улугворлик бағишланиб баробарида, миллий ўзгичимизни илмий асосда намойиш этиди.

Залдан Усмон Мухсаффи билан бир қаторда Қуръони каримнинг юртимизга тегишли бўлган, турли сулолардан даврида битилган нодир қўлёзмалари жамланган. Улар орасида сомониёлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, темирчилик, шайбонийлар ва бошқа даврларга мансуб ноёб нусхалар бор. Бу қўлёзмалар Шарқ китобат санъатининг юксак намуналари сифатида нафақат диний, балки улкан тарихий, илмий ва бадиий қийматга ҳам эга. Залдаги замонавий витриналардан халқимиз орасида асраб-авайлаб сақлаб келинган ва марказ фондига тақдим этилган асл қўлёзмалар ҳам муносиб ўрин олган.

Бугун кўз ўнгимизда қарашлар, қадриятлар ўзгариб борапти. Тарих бундай вазият инсоният учун янгилик эмаслигини бот-бот тасдиқлайди. Ана шу мураккаб вазиятдан омон ўтиш доим ўзликни асраш, янгича қараш билан руҳий, жисмоний қувват тўплашни талаб этади. Кўҳна дунё соломоналари яна бир ҳақиқатни очди: шундай мураккаб вазиятларнинг асариятидан дунё халқлари Шарҳда порлаган маърифат маёғи сабаб омон чиққан.

Масалан, бундан 3000 йил аввал аждодларимиз инсониятга тортиқ этган “Авесто” ҳам айни мақсадга хизмат қилган. Айтишларича, ўша даврда турли ғоялар, ақидалар авж олган. Шунда аждодларимиз “Авесто” тимсолида умуминсоний гоя, инсонпарварлик фалсафаси ила эзгулик жамиятига асос солган.

Худди шундай мисолларни яна қўлаб келтириш мумкин. Жумладан, иккита Уйғониб даври мутафаккирлари дунё тамаддунида алоҳида ўрин эгаллади. Хусусан, улуг аждодларимиз ислом дини равнақида катта ҳисса қўшди. Жумладан, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий, Махмуд Замахшарий сингари буюк аждодларимиз гуманизмга асосланган бебаҳо мерос қолдирган. Бу мерос нафақат тарихдаги бахслар, балки бугунги англашловчиликлар учун ҳам илмий асосдаги маърифий жавобдир.

Ушбу муҳташам марказ эса янги Ўзбекистон аждодлар меросига муносиб ворислик йўлидан далил бориб, дунёни яна бир бор маърифатга қорлаётганини тасдиқлайди. Бу мақсадга тарихни чуқур таҳлил этиб, замонавий илмларни ўрганиб, қалбни аждодлардан мерос маърифат нури билан ёритиб эришиш мумкин. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ана шу жиҳатдан тўла қамраб олингани билан аҳамиятлидир.

Марказ қадимий ва миллий меъморчилик анъаналари асосида қурилган. Унга тўрт томондан — тўрт асосий портал орқали кириш мумкин. Ушбу порталлар ва бинонинг ташқи равоқлари Қуръони каримдаги илм-маърифат, бағрикенглик, инсонийлик ва ота-онага ҳурмат мазмунидаги оятлар ҳамда ҳадислар билан баёзланган. Шу маънода, бинонинг истанган тарафидан келсангиз ҳам сизни буюк аждодларимиз бунёдкорлик мероси ва маърифий чакрини қарши олади.

➤ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИНИНГ РАСМИЙ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Мухтарам меҳмонлар! Аввало, сизларни, жойлардаги студиялар орқали бугунги ифторлик маросимида иштирок этаётган ҳурматли нурунийлар, олиму уламолар, кенг жамоатчилик вакилларини, бутун халқимизни муборак Рамазон ойи билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Шу улуг айём кунларига барчамизни тинч-омон, соғ-саломат етказгани учун Аллоҳ таолога беҳад шукрлар бўлсин!

Меҳр-оқибат ва эзгулик рамзи бўлмиш Рамазон айида ҳаммамиз биргаликда қўлаб савобли ишларни амалга оширолмоқдамиз.

Давлат ва нодавлат ташкилотлар, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Маҳаллалар уюшмаси, Мусулмонлар идорасининг “Вақф” жамғармаси, худудлардаги “Инсон” марказлари, саховатли тадбиркорларимиз томонидан кекса ва ногиронлар, кам таъминланган оила-ларга, кўмакка муҳтож инсонларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишмоқда.

Тиббиёт бўлимлари олис ва чекка худудларимизга бориб, аёллар, болалар ва

нурунийларимизни кўриқдан ўтказмоқда, оғир беморлар операция йўли билан даво-ланмоқда.

Мана шундай файзу баракали кунларда мамлакатимиз миқёсида ифторлик тадбирларини ўтказиш ҳам яхши анъанамизга ай-ланди.

Албатта, буларнинг барчаси жамияти-мизда инсон қадрини улуглаш, тинчлик ва умуммиллий бирлик муҳитини муста-тақамлашга хизмат қилмоқда. Бугунги ифторлик маросимида юртимиздаги тур-ли миллат ва диний конфессиялар намо-яндалари иштирок этаётгани ҳам шундан далолат беради.

Ҳозирги гоят таҳликали замонда тинч-лик нақадар улуг ва бебаҳо неъмат эканини, 38 миллиондан зиёд аҳолимизнинг ягона халқ, аҳил бир оила бўлиб яшаётгани энг катта бойлигимиз эканини янада чуқур ҳис этмоқдамиз.

Давраимизда Ўзбекистондаги дипломатик корпус вакиллари ҳам қатнашаётганини биз динимизнинг гуманистик ва бағрикенглик қадриятларига, давлатимизнинг очиклик

сиёсатига ҳурмат-эътибор ифодаси сифатида қабул қиламиз ва уларга самимий тилакларимизни билдираимиз.

Қадри ватандошлар! Бугунги Рўзаи Рамазон кунинда барчамиз яна бир том маънода тарихий воқеада ишти-рок этмоқдамиз. Халқимизнинг ақл-закова-ти, фидокорона меҳнати билан бунёд этилган улугвор ва ноёб мажмуа — Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг расмий очилиш маросимини ўтказмоқдамиз.

Не-не аждодларимизнинг орзу-ниятлари, армонлари рўёбга чиққан мана шундай уну-тилмас кун билан, чинакам илм-маърифат байрами билан ҳаммангизни чин қалбимдан табриклайман.

Мамлакатимизнинг уч минг йиллик шон-ли тарихи ва бой маданиятининг, Янги Ўз-бекистон имкониятларининг ёрқин кўзгуси бўлган ушбу бетакрор ва буюк мажмуа бар-чамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин!

Мухтарам дўстлар! Биз юртимизда ривожланган давлат, эр-кин жамият пойдеворини бунёд этиш учун, энг аввало, илм ва илм, таълим ва яна бир

бор таълим деган олий мақсадни ҳаётимизга қабул қилмоқдамиз. Зеро, муқаддас динимиз ҳам бизни доимо илму маърифатга даъ-ват этади. Шу боис, Ислом цивилизацияси марказининг улугбек дарвозаси пештоқига Қуръони каримнинг “Иқро!” — яъни “Ўқи!” деган муборак оятини муҳрлаб қўйдик. Бу илоҳий сўзлар замирида ислом динининг асл маъно-мазмуни мужассам, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳабарингиз бор, бундан тўққиз йил ол-дин мазкур мажмуани барпо этиш ҳақида махсус қарор қабул қилиб, амалий ишларни бошладик. Бирлашган Миллатлар Ташки-лоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида эълон қилинган бу эзу ташаббусимиз жаҳон жамоатчилиги, айниқса, ислом ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланди.

Биз бу ҳар жиҳатдан улкан лойиҳани амалга ошириш учун шояшмадик, етти эмас, еттиш марта ўйлаб, узокни кўзлаб, ти-нимсиз изландик. Ниҳоят, қадимдан Тошкен-ти азиямининг маънавий маркази бўлиб келган Ҳазрати Имом мажмуаси ёнида, кўриб турган-нингиздек, бетакрор архитектурага, чинакам

миллий руҳ ва миллий қиёфага эга бўлган шарҳона шаҳарча барпо этилди.

Ушбу Марказда Ўзбекистоннинг қадим-ий тарихи ва цивилизацияси дурдоналари-нини бир пайтинг ўзида ягона маърифий маконда қўриш, шу асосда ўзбек халқининг интеллектуал ва маданий салоҳиятини яққол англаш мумкин.

Бу маскан билан танишган ҳар бир одам, халқимиз, айниқса, ёшларимиз ислом дини-нинг гуманистик моҳиятини англаб етди, ўзининг қандай улуг мерос эгаси эканини ҳис этиб, қалби ғурур ва ифтихорга тўлади.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Азалдан турли цивилизация ва мада-ниятлар туташган минтақада жойлашган юртимиз замини Буюк ипақ йўли ривожид-да муҳим ўрин эгаллаган. Кўҳна диёримиз исломгача бўлган даврда ҳам илм-фан, маъ-рифат маркази сифатида шуҳрат қозонган. Қадимий Туркистон ўлкасига ислом дини кириб келгач, бу ерда ҳадис ва калом илми, мусулмон ҳуқуқи, тасаввуф бўйича йирик мактаблар шаклланди. ўнлаб буюк аллома-лар етишиб чиқди.

Аниқ ва табиий фанлар соҳасида ўз кашфиётлари билан жаҳонни ҳайратга сол-ган улуг олимларимиз асарлари ҳам исло-мий муҳит бағрида вужудга келган. Дунёга машҳур бу китоблар “Бисмиллоҳир раҳ-монир раҳим”, деган илоҳий сўзлар билан бошлангани уларнинг муқаддас динимиздан илҳом ва куч олиб яратилганини билдиради. Нафақат бизнинг юртимиз, балки беоён минтақамизнинг маънавий мулки бўлган ана шундай бебаҳо бойликни чуқур ўрганиш ва жаҳон миқёсида тарғиб этиш мақсадида уни Ислом цивилизацияси деган ном остида бир-лаштиришга қарор қилдик.

Албатта, ҳозирги мураккаб ва оғир шароитда бундай йирик мажмуани энг юк-сак замонавий талаблар даражасида яратиш осон бўлмади.

Биз Марказ қурилишини илмий тадқиқот ва изланиш ишлари билан баробар равишда олиб бордик. Ўтган даврда кўҳна мероси-мизга оид, бизга умуман номаълум бўлган қанча-қанча ноёб маълумотларни кашф этдик.

➤ Давоми 2-бетда

АҲОЛИ ДАРОМАДИ 10 ФОИЗ ОШСА, ИСТЕЪМОЛ 8 ФОИЗ КЎПАЯДИ

Иқтисодиёт ташқи бозорлардан эмас, ички ишончдан куч олади. Агар бу ишонч йўқолса, очик чегаралар ҳам, қулай савдо битимлари ҳам иқтисодиётни қўтқара олмайди. Бугун жаҳон иқтисодий манзараси айнан шу ҳақиқатни кескин эслатмоқда. Геосиёсий қарама-қаршиликлар, савдо чекловлари ва глобал логистикадаги узилтишлар шароитида ташқи бозорлар имконият эмас, балки таваккал омилига айланиб бормоқда.

Дунё иқтисодиёти энди “ким кўпроқ экспорт қилади?” деган саволдан “ким ички талабни сақлаб қола олади?” деган савола ўтапти. Чунки инқироз шароитида ишлаб чиқариш эмас, балки сотиб олиш қобилияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Агар ички бозорда талаб бўлмаса, фабрикалар ҳам ишламайди. Истеъмолчи



МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ МАБЛАҒИ МАҚСАДЛИ САРФЛАНЯПТИМИ?

Худудларнинг иқтисодий барқарорлиги ва аҳоли фаровонлиги кўп жиҳатдан маҳаллий бюджет маблағларининг қандай шакллантирилиши ва қай тарзда сарфланишига боғлиқ. Бинобарин, мактаблар қурилиши, тиббиёт муассасаларини модернизация қилиш, ички йўллари таъмирлаш ёки ичимлик сув тармоқларини янгилаш каби ишлар айнан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан бажарилади. Шу жиҳатдан маҳаллий бюджет бугун нафақат молиявий ресурс, балки ҳудуд тараққиётини таъминловчи стратегик механизмга айланмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда бюджет тизимини модернизация қилиш, давлат молиясини бошқариш самарадорлигини ошириш ҳамда маҳаллий молиявий мустақиллини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бюджет жараёнини янада очик ва шаффоф ташкил этиш, жамоатчилик

иштирокини кенгайтириш, маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий имко-ниятларини мустаҳкамлаш каби устувор вазифалар давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

➤ Давоми 3-бетда

➤ Давоми 3-бетда

2026 йил 18 март, 52-сон



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИНИНГ РАСМИЙ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Халқаро экспертлар эътироф этганидек, бутун Ўзбекистонда ислом цивилизацияси меросини ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича ўзига хос катта илмий мактаб яратилган эришди. Нақадар катта имкониятларимиз, интеллектуал салоҳиятимиз борлигини дунёга намойиш эта олдик.

Бу билан ҳар қанча фахрлансақ, гурурлансақ, арзийди.

Ушбу ноёб мажмуа салкам 10 гектар ҳудудда жойлашган бўлиб, бинонинг умумий фойдаланиш майдони 50 минг квадрат метрни ташкил этади. Бу ерда “Ўзбекистон заминидан исломгача бўлган давр”, “Биринчи ва Иккинчи Ренессанс”, “Янги Ўзбекистон — Учтинчи Ренессанс пойдевори” каби экспозиция заллари мавжуд.

Албатта, уларнинг ҳар бири ҳақида узоқ гапириш мумкин.

Музей экспозициясини шакллантириш ва бойитиш бўйича ҳам катта ишлар қилинди. Ўтган йилнинг ўзига 1,5 мингдан ортиқ экспонат, жумладан, 800 га яқин қадимий қўлёзма, археологик топила ва тарихий хариталар экспозицияга жойлаштирилгани ҳам шундан далolat беради.

Айни вақтда хорижий аукцион уйлари, йирик коллекционер ва арт дилерлар билан ҳамкорлик ўрнатилиб, 743 та экспонатнинг оригинал, яъни асл нусхалари юртимизга келтирилди.

Бундай ишлар илгари тарихимизда бўлмаган эди.

Бу экспонатларнинг ҳар бири — буюк ўтмиш ва маданиятимиз, миллий ўзгиримиз тимсоли эканини таъкидлаш лозим. Уларнинг барчаси замонар синовида мардона ўтиб келаётган халқимиз, миллатимизнинг онгу тафаккури, бунёдкорона меҳнати, ноёб маҳорати ҳақида сўзлайди.

Тарих тилга кирган, тарихдан сабоқ олинган жойда, албатта, билим ва маърифат, тараққиёт ва адолат бўлади. Ҳеч қачон тўғри йўлдан адашилмайди!

Марказнинг асосий зали, таъбир жоиз бўлса, қалби — бу, ҳеч шубҳасиз, муқаддас Қуръон залиди. Бу ерда дунёдаги энг қадимий 6 та Қуръони каримнинг бири бўлган

мўътабар Усмон Муҳаффи бугун ўзининг юксак муносиб муносиб шарафли ўрин топди.

Шунингдек, ушбу залда турли даврларга оид нодир Қуръон қўлёзмалари ҳам жамланган. Шу муборак кунда барчамиз, Худонинг инояти билан, мана шундай ноёб ва муқаддас Усмон Қуръонининг илоҳий шарафати билан юртимиз доимо тинч-осойишта бўлсин, ҳаётимиз кут-баракага тўлсин, деб дуо қиламиз.

Қадрли дўстлар!

Ислом цивилизацияси марказига 2025 йилнинг ўзига минглаб хорижий меҳмонлар ташриф буюргани унинг ҳозирда ноёб ва муқаддас микёсида катта қизиқиш ва эътибор уйғотганини тасдиқлайди. Меҳмонлар орасида бир қатор давлатлар президентлари, парламент ва ҳукумат раҳбарлари, депутатлар, сенатор ва лордлар, вазирлар ва элчилар, илм-фан ва жамоат арбоблари, диний ташкилотлар раҳнамолари борлигини таъкидлаш лозим.

Марказни лойиҳалаш, қуриш ва замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозлашда Франция, Хитой, Буюк Британия, АҚШ, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия, Туркия, Германия, Испания, Италия, Малайзия, Озарбайжон, Саудия Арабистони, Хиндистон, Марказий Осиё давлатлари ва бошқа қатор мамлакатлардан юксак малакали мутахассислар ҳам фаол иштирок этишди.

Ушбу мажмуани бунёд этишга муносиб ҳисса қўшган лойиҳачи ва қурувчиларга, моҳир муҳандислар, олим уламоларга, хорижий ҳамкор ва экспертларга, жумладан, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамяти аъзоларига, барча фидойий инсонларга чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Бундай йирик ва мураккаб маданий иншоотни қуришда ҳомилик ёрдамни кўрсатган маҳаллий ва чет эллик тадбиркорлар, маданият ва спорт намоёндаларига алоҳида раҳмат айтаман. Хусусан, биринчилар қаторида ташаббус кўрсатиб, зарур маблағ, ғоя ва ноёб тарихий экспонатлар тақдим этгани учун ҳурматли ватандошимиз, машҳур меъна ва бизнесмен Алишер Бурҳонovich Усмоновга самимий ташаккур изҳор этаман.

Халқимиз бундай олижаноблик, саховат ва эътиборни юксак қадрлайди.

Бу улуг ишга қўшган ҳиссангизни ҳеч қачон унутмаймиз.

Катта раҳмат Сизга!

Азиз юртдошлар!

Ислом цивилизацияси марказини барпо этишга киришган эканмиз, мен, дунёнинг қарерида бўлмасин, тарихимизга тегишли бир варақ қўлёзма бўлса ҳам, битта экспонат бўлса ҳам топиб, юртимизга олиб келишни орзу қилган ва шу вазифани ўртага қўйган эдим. Минг шукрки, бугун ана шу мақсадимизга аста-секин эришяпмиз. Бу ишларни, албатта, давом эттираман.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида сақланган ноёб қўлёзмаларни аниқлаш ва ўрганиш учун яна халқаро илмий экспедициялар ташкил этилди. Бунинг учун зарур маблағ ва имкониятларни топаемиз. Бу ишларга маҳаллий ва хорижий олимлар, етакчи халқаро илмий марказларни жалб этаемиз.

Марказ фаолиятини кенг миқёсда йўлга қўйиш мақсадида бу ерда АЙСЕКО, ИРСИКА, Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази, Франциядаги Теуриилар жамяти, ТУРСКОИ каби халқаро ташкилотлар билан биргаликда улар учун офис хоналари ташкил этилди. Энди улар билан ҳамкорликни кучайтириш учун барча зарур шароитларни яратиб бераемиз.

Марказда муқаддас динимизнинг эзгу қадриятларини асраб, диний-маърифий соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳам ўзининг янги қароргоҳига эга бўлди.

Марказда муқаддас динимизнинг эзгу қадриятларини асраб, диний-маърифий соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳам ўзининг янги қароргоҳига эга бўлди.

Биз яқин келгусида БМТ қароргоҳида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Франциядаги Теуриилар жамяти, Имом Мотуридиди халқаро илмий-тадқиқот марказларининг тақдимотларини ҳам ўтказамиз.

Муҳтасар айтганда, ушбу Марказ маънавий-маърифий йўналишдаги фаолиятимиз учун фундаментал база бўлади. Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси

талабалари юқори курсларни шу ерда ўқийди, ўқитувчи-домларлар эса ўз билим ва малакасини оширади.

Марказ ёшларимиз орасидан янги хоразмийлар, беруний ва улугбеклар, фарғоний ва ибн синолар, бухорий ва термизийлар етишиб чиқиши учун мустаҳкам маънавий майдон бўлиши керак.

Бу — барчамизнинг эзгу ниятимиздир.

Марказ ўзининг мана шундай тарихий миссиясини юксак савияда адо этиши учун мен илм-фан ва маънавият фидойиларига — ҳурматли олим ва тадқиқотчиларга, шоир ва адиблар, диний уламолар, режиссёр ва расомлар, журналистларга, ижодкор ёшларимизга мурожаат қилолқиман:

Ислом цивилизацияси марказида тўпланган ҳар бир экспонат қандай бебаҳо бойлик эканини сизлар ҳаммадан кўра яхши тушунасиз. Уларни тарғиб этиш, халқимизга, дунёга танитишда ҳам, аввало, сизларга таянамиз.

Бу тенгсиз бойлиқдан илҳомланиб, сизлар яратадиган илмий тадқиқотлар, бадий китоб, кино ва театр асарлари, картина ва кўрсатувлар: уч минг йиллик тарих ва маданиятнинг сўнмас овози бўлиб дунёга таралсин!

Янги Ўзбекистонни тинчлик, эзгулик, билим ва маърифат диёри сифатида оламга тараннум этсин!

Халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун тарбия ва миллий гурур мактабига айлансин!

Ҳурматли анжуман қатнашчилари! Ўз даврида Мир Алишер Навоий бобомиз Мирзо Улуғбекнинг ўлмас мероси дунё тургунча турсин деб тилак билдирган эди. Бизнинг ҳам орзу-мақсадимиз шундай: Ислом цивилизацияси маркази эл-юртимизга, жаҳон аҳлига ҳамisha беминнат хизмат қилсин!

Мана шундай улуг ишларнинг бунёдкори бўлган мард ва олижаноб халқимиз доимо омон бўлсин!

Муқаддас Рамазон ойида тутаётган рўзаларимиз, қилаётган ибодатларимиз даргоҳида қабул бўлсин!

Яратган Парвардигор халқимизни, Ватанимизни ўз паноҳида асрасин!

Барчангизга катта раҳмат, доимо соғомон бўлинглар!



“Forbes”: ИСЛОМНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯЛАРИНИ ИЛГАРИ СУРУВЧИ ПЛАТФОРМА

АМЕРИКАНИНГ НУҒУЗЛИ ЖУРНАЛИ МАРКАЗ ҲАҚИДА ЁЗМОҚДА

Дунёдаги энг нуғузли ва машҳур иқтисодий нашрлардан бири — Американин “Forbes” журналида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази очилишига бағишланган мақола эълон қилинди.

Журналда таъкидланишича, геосиёсий беқарорлик ва иқтисодий муаммолар юз бераётган паллада Ўзбекистон ўзининг маданий ва тарғиб таъсирини кучайтириш орқали муҳим қадам ташлади. Янги барпо этилган Ислом цивилизацияси маркази мамлакатнинг бой тарихий мероси ва бутун Евроосиёда бўйлаб исломий интеллектуал ва маданий анаъналарни шакллантиришдаги ролини намойиш этадиган муҳим лойиҳага айланмоқда.

“Forbes”нинг ёзишича, шиддатли технология ўзгаришлар ва глобал кескинликлар даврида ушбу марказ мусулмон дунёсида конструктив мулоқот майдони бўлиб, Марказий Осиёнинг бағрикенг ислом моделини илгари суриш учун кенг имконият яратмоқда.

Нашрнинг қайд этишича, марказ нафақат маданий, балки стратегик вазифани ҳам бажаряпти.

“Мамлакатнинг ислом цивилизацияси меросини тарғиб қилиш Ўзбекистоннинг Евроосиё марказини Яқин Шарқ ва Жануви Осиё билан боғлайдиган маданий ва

дипломатик кўприк сифатидаги ролини мустаҳкамлайди, кўп минтақавий алоқаларга ҳисса қўшади”, дейилган мақолада.

Марказ маданий вазиладан ташқари радикаллашувга қарши курашиш, инклюзив исломни, минтақавий барқарорлик ва халқаро тинчлик асосидаги меъёрларни тарғиб қилиш учун фаол платформага айланади. У тарихий мерос мамлакатнинг стратегик таъсирини кучайтирувчи вазифани айланиши мумкинлигини намойиш этмоқда.

Мақолада Ўзбекистоннинг халқаро майдонда АҚШ ва Евроосиёдаги бошқа мамлакатларнинг ишончли ҳамкори сифатидаги роли ортиб бораётгани таъкидланади. Мамлакат ўзининг географик марказлашуви, демографик салоҳияти ва ислоҳотлар кун тартибидан иқтисодий очкилик, минтақавий хавфсизлик ва маданий етакчилигини илгари суриш учун фойдаланмоқда.

“Forbes”да эълон қилинган мақола якунида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази орқали тарихий мерос замонавий таъсирга айлантириш таъкидланган. Марказ стратегик дипломатия, халқаро хавфсизлик ва фаровонликни мустаҳкамлаш, мураккаб глобал даврда ҳамкорликни янги уфқларини очишга хизмат қилади.

“Дунё” АА

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ — УЧ МИНГ ЙИЛЛИК ТАРИХ ВА МАДАНИЯТИМИЗНИНГ СЎНМАС ОВОЗИ

Бошланиши 1-бетда

Куйи қаватда болалар учун махсус платформа, реставрация ҳамда электрон нусха олиш лабораторияси, музей экспонатлари ва нодир қўлёзмаларни сақлаш фондлари, замонавий кафетерий ва музей вестибуллари жойлашган. Булар болаларни тарих ва илмий кашфиётларга қизиқтиришга хизмат қилади.

Биринчи қаватдан қарийб 8350 квадрат метрли кўргазма залига эга музей ва 550 ўринли анжуман зал иш ўрин олган. Иккинчи қаватда эса қўлёзма ва тубосмоса манбалар, босма ва электрон адабиётлар фондига эга кутубхона, ўқув заллари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва илмий муассасалар учун шaroит яратилган.

Президентимиз марказ маънавий-маърифий йўналишдаги фаолият учун фундаментал база бўлишини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси талабалари юқори курсларда шу ерда ўқийди. Профессор-ўқитувчилар эса билими ва малакасини мазкур марказда оширади. Муҳими, марказ ёшлар орасидан янги хоразмийлар, берунийлар ва улугбеклар, фарғоний ва ибн синолар, бухорий ва термизийлар етишиб чиқиши учун мустаҳкам маънавий майдон бўлиши кераклиги қайд этилди.

Албатта, бунинг учун етарли шарт-шaroит бор. Хусусан, тамал тоши қўйилганидан 2025 йилга қадар марказ фондидаги қадимий манбалар сони 2000 дан ошган. Қуръони каримнинг нодир қўлёзма нусхалари 60 тадан зиёд. Уларнинг барчаси халқимиздан олинган ва халқаро аукционлар орқали харид қилинган. Бу борада қилинган ишлар миллий ва диний меросимизни қайта тиклаш, тарқатиш ҳамда сақланаётган бебаҳо манбаларни юртимизга қайтариб, илмий муомалага киритиш ва келажак авлод учун асраб қолиш йўлидаги теран ёндашувни яққол намойиш этмоқда.

Президентимизга экспозициядан ўрин олган алоҳида қимматли қўлёзмалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Жумладан, 1589 йилда хаттот Султон Муҳаммад саккизбурчак шаклида кўчирган ва тумор сифатида ҳам ишлатилган “Бозубанд” Қуръон қўлёзмаси, XVII асрга мансуб, сафавийлар даври хаттотлик ва ибодат санъатининг етуқ босқичини акс эттирувчи жуда нафис беазали нусха, 1872 йили хаттот Муҳаммад ибн Абдуллоҳий марғрийий хатт услубида кўчирган ноёб қўлёзма, шунингдек, XII-XIII асрларда салжукийлар даврида хаттот Муҳаммад Содик ибн Муҳаммад Шафий томонидан насх хаттида



кўчирилиб, сатрлар орасига форсий тиласида берилган нодир нусха шулар жумласидан. Айрим қўлёзмаларда Самарқанд, Хирот ва Бухоро китобат мактабларининг анъанаси яққол намойиш бўлиши қайд этилди.

Шунингдек, Президентимизга музей меҳмонларига юқори сифатли хизмат кўрсатиш ишлари тақдимот қилинди.

Марказ қисқа муддатда халқаро нуғузли ташкилотлар ва нашрлар томонидан эътироф этилаётгани таъкидланди. Хусусан, марказ Франциянинг Авиценна муқофотида сазовор бўлган. АҚШдаги Смитсон институтининг “Smithsonian Magazine” наشري талқинига кўра, 2026 йилда дунёда энг катта қизиқиш билан қўйилган 10 та музейдан бири сифатида эътироф этилган. Шунингдек, “Condé Nast Traveler” наشري уни 2026 йил июнда ташриф буюриш мумкин бўлган музейлар рўйхатига киритган, BBC Travel эса дунёдаги энг кўп қўйилган музейлар қаторига қўйган.

Тақдиротда “Ҳар ким учун очик музей” концепцияси асосида марказни ижтимоий интеграция майдонига айлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун

келгусида барча экспонатга махсус электрон чип ўрнатилди. Кўзи очилар экспонатга яқинлашганда аудиогид орқали маълумотни автоматик эшитиш тизими жорий этилади. Bluetooth маъқалари ёрдамида бинода мустақил ҳаракатланиш имконияти яратилди.

Давлатимиз раҳбари марказ биносининг иккинчи қаватида Ўзбекистон мусулмонлари идораси фаолияти учун яратилган шaroитлар билан танишди.

Шундан сўнг Президентимиз марказ кутубхонасини кўздан кечирди.

Кутубхонада барча замонавий имконият мавжуд. Умумий майдони 3105 квадрат метрли қироятхона фондида ҳозир 45 минг 150 дан зиёд адабиёт бор. Шундан 2609 таси нодир нашрлардир. Бундан ташқари, кутубхонада 350 мингта электрон адабиёт мавжуд. Унда бир вақтинч ўзига 310 фойдаланувчига хизмат кўрсатиш мумкин. Олимлар ва профессорлар учун алоҳида 4 та хона ташкил қилиниб, илмий фаолият юритиш учун барча замонавий техника ва қўлайликлар яратилган.

Кутубхонада имконияти чекланган фойдаланувчилар учун ҳам алоҳида

шaroит яратилган. Шунингдек, кутубхонадаги “Sonic chair” аудиоресурслар учун замонавий қурилмаси нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёда биринчи марта шу ерда жорий этилган. Кутубхона ҳудудида китобхоналар учун яшил майдон, нусха кўчириш хизмати, индивидуал шугулланиш учун махсус хоналар ва болалар учун алоҳида майдон ҳам ташкил этилган.

Президентимиз марказ ҳузурда ташкил этилган халқаро илмий-маърифий платформа фаолияти билан танишди.

Платформа доирасида қатор нуғузли халқаро тузилмалар билан ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. АЙСЕКО, ИРСИКА, Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази, Франциядаги Теуриилар жамяти, ТУРСКОИ каби халқаро ташкилотлар билан биргаликда уларнинг офис хоналари ташкил этилган. Бу маҳаллий олимлар ва хорижий ташкилотлар вакилларининг ҳамжиҳатлиқда тадқиқот ўтказиши, қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиши ва маърифий ташаббусларни амалга ошириши учун қўлай муҳитдир.

Ташриф давомида давлатимиз раҳбари марказга ҳада этилган ва хориждан харид қилинган қимматбаҳо тарихий артефактлар кўргазмаси билан ҳам танишди.

Президентимиз топшириғига биноан, хориждаги маданий бойликларни Ўзбекистонга қайтариш ишлари изчил бажарилмоқда. Ўтган йили Буюк Британиядаги “Sotheby’s” ва “Christie’s” каби аукцион уйлари, арт-дилерлар ва хусусий коллекционерлардан 700 дан ортиқ артефакт сотиб олинган. Шунингдек, турли муассасалар, ташкилотлар ва ҳомийлар 1000 дан ортиқ буюм ҳада қилган.

— Бугун ўзгиримизни англаш йўлида катта тантана бўлди. Минг шукрки, тўққиз йил давомида ният қилиб, излаиб, ҳаракат қилиб, халқимизнинг кимлигини, тарихимизни ҳаққоний акс эттирадиган мажмуани барпо этдик. Бу ерга келган ҳар бир инсон, айниқса, ёшларимиз, қандай ажодлар авлоди эканимизни билиш, англаши керак.

Бу улкан лойиҳа оддий бир чизма эмас. Уни юрак чизган, меҳр чизган, орзу ва армонлар чизган. Қуръони карим сақланган муқаддас зал ҳам шунчаки яратилган эмас. У юракдан тугилган, халқимизнинг орзу-интилишлари ва буюклигини намойиш этиш истиғидан пайдо бўлган маскандир. Бу лойиҳа буюк халқимизнинг асл қиёфасини раёбга чиқаришга қаратилган эзгу ниятлар махсулидир, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари Ислом цивилизацияси марказининг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат қолдирди.

Шундан сўнг Президентимиз ифторлик маросимида иштирок этди. Ушбу маросимда ҳудудлардаги студиялар орқали нурунийлар, олим уламолар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳам қатнашди. Шунингдек, турли дипломат ва диний конфессиялар аъзолари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбир аввалида давлатимиз раҳбари бутун халқимизни муборак Рамазон ойи билан яна бир бор чин қалбдан табриқлади. Шу улуг айём кунларига барчамизни тинч-омон, соғ-саломат етказгани учун Аллоҳ таолога беҳад шукроналар айтилди.

Муборак Рамазон ойи халқимиз учун фойз-барака олиб келди. Жамятиимизда инсон қадрини улуғлаш, тинчлик ва умум-миллий бирлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган амалларга бўлиб бўлди. Хусусан, давлат ва нодавлат ташкилотлар, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Маҳалалар уюшмаси, Мусулмонлар идорасининг “Вафқ” хайрия жамоат фонди, ҳудудлардаги

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари, шунингдек, саховатли тадбиркорлар томонидан кекса ва ногиронлар, кам таъминланган оилалар, кўмакка муҳтож инсонларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Тиббиёт бўлинмалари олис ва чекка ҳудудларга чиқиб, аёллар, болалар ва нурунийларни тиббий кўриқдан ўтказмоқда, беморлар юртимизда яратилган замонавий тиббиёт имкониятлари кўмағида даволанмоқда.

Ҳозирги ғоят таҳликали замонда тинчлик нақадар улуг ва бебаҳо неъмат эканини чуқур англашимиз зарур. Халқимизнинг бой мероси, муқаддас динимиз бизга мана шундай шухули кунларга шукрона айтиши ва уни асраб-авайлаш учун бағрикенглик ила иш тутишни кўрсатади. Даврада Ўзбекистондаги дипломатик корпус вакиллари ҳам қатнашаётгани муқаддас динимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенглик қадриятларига, мамлакатимизнинг очкилик сифатига ҳурмат ифодаси сифатида баҳоланади.

Бу кун халқимиз учун яна бир тарихий воқеа — Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг расмий очилиш маросими ўтказилган сана экани алоҳида таъкидланди.

Биз Учтинчи Уйғониш даври пойдеворини барпо этишдек улкан мақсадни кўзлаганмиз. “Энг аввало, илм ва таълим” деган олий мақсад ҳаётга жорий этилаётгани бежиз эмас. Муқаддас ислом дини ҳам инсонни доимо илм-маърифатга даъват этади. Шу бос, Ислом цивилизацияси марказининг Улуғбек дарвозаси пештоқига Қуръони каримнинг “Иқро!” — “Ўқи!” деган муборак ояти муҳрлаб қўйилгани теран рамзий маънога эга экани айтилди.

— Бу тенгсиз бойлиқдан илҳомланиб, сизлар яратадиган илмий тадқиқотлар, бадий китоб, кино ва театр асарлари, картина ва кўрсатувлар уч минг йиллик тарих ва маданиятнинг сўнмас овози бўлиб дунёга таралсин! Янги Ўзбекистонни тинчлик, эзгулик, билим ва маърифат диёри сифатида оламга тараннум этсин! Халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун тарбия ва миллий гурур мактабига айлансин! — деди Президентимиз.

Дарҳақиқат, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази халқимиз ва жаҳон аҳлига тинчлик, эзгулик, билим ва маърифат майдони бўлиб ҳамisha беминнат хизмат қилади.

Ифторлик маросимида Қуръони каримдан тиловат қилиниб, халқимиз тинчлиги, Ватанимиз ободлиги учун қўллар дуога очилди.

Боборовшан ҒОЗИДИНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Таҳлиллар аҳоли даромади 10 фоиз ошса, истеъмол ўртача 8 фоиз кўпайишини кўрсатади. Бу эса фақат истеъмол эмас, балки янги маҳсулотлар, янги хизматлар, қўшимча иш ўринлари ва иқтисодиётда янги қувватлар дегани.

НИГОХ 3

www.yuz.uz f yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news 2026 йил 18 март, 52-сон

АҲОЛИ ДАРОМАДИ 10 ФОИЗ ОШСА, ИСТЕЪМОЛ 8 ФОИЗ КЎПАЯДИ

Бошланиши 1-бетда

Ички бозор фақат маҳсулот ва хизматлар йиғиндисидан эмас, балки жамиятнинг иқтисодий рефлексидан, яъни муаммоларга ичкаридан жавоб бериш қобилияти. У қанчалик фаол бўлса, иқтисодиёт шунчалик мослашувчан бўлади.

Бугунги мураккаб глобал вазиятда ички бозорда талабни ривожлантириш иқтисодий сиёсатнинг алоҳида йўналиши эмас, балки барқарор тараққиётнинг маркази таянчига айланмоқда. Бу тақдир омиллари мослашиш эмас, балки ички бозорга таянган онли таловдир.

Ана шундай мураккаб ва тез ўзгаришчан глобал иқтисодий муҳитда давлат сиёсати тасодифий қарорларга эмас, аниқ устуворликларга таянишни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиста ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси бугунги воқеликка берилган баҳо ва эртанги кунга қаратилган аниқ "йўл харитаси" сифатида намойён бўлди. Унда иқтисодий ривожланиш масалалари умумий широлар даражасида эмас, балки реал ҳавф-хатарлар ва ички имкониятлар ҳисобга олинган ҳолда кўйилди.

Мурожаатномада жорий йил учун белгиланган устувор йўналишлар орасида ички бозорда талабни рағбатлантириш масаласи алоҳида таъкидлангани бежиз эмас. Бу танлов иқтисодий сиёсатнинг ички манбаларга таяниш асосида қўришга қаратилган стратегик ёндашувдир. Чунки айнан ички талаб барқарор бўлган шартда ишлаб чиқариш узлуksиз ишлайди, тадбиркорлик фаоллиги сақланади ва бандлик таъминланади.

Мазкур устувор йўналиш мамлакат иқтисодиётини ташқи силкинишларга нисбатан бардошли қилиш, ички таянчликни кучайтириш ва узоқ муддатли барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилган муҳим концептуал қарор.

Ички талабни рағбатлантирувчи омиллари орасида инфляция даражаси ҳал қилувчи ўрин тутади. Чунки инфляция назоратдан чиқса, даромад ўсиши аҳамиятини йўқотади, истеъмол эса чекланади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, сўнгги тўққиз йилда инфляция даражасининг "бир хонали" рақамга туширилиши тасодиф эмас, балки илҳомли сиёсат натижаси. Нарх-навоини жиловлаш аҳоли харид қобилиятини сақлаб қолиш, демокдир.

Мазкур давр мобайнида қўлай бизнес муҳити яратилиши, товар ва хизматлар турининг кенгайиши, аҳоли даромадининг ошиши ва камбағалликнинг кескин қисқариши ички бозор учун мустаҳкам асос бўлди. Кам даромадли оилалар учун йилга камида 1 миллиард

доллар миқдорига кам фоизли кредит ажратиладигани ҳам талабни суғий эмас, табиий рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Натijaда аҳолининг харид қобилияти икки баравар ўсди.

Утказилган сўровлар ва халқаро экспертлар таҳлилларига кўра, аҳолининг 75 фоизи ўз молиявий ҳолати сезиларли даражада яхшиланганини тан олмақда. Рақамлар ортда бир ҳақиқат ётибди: ички талаб бугун иқтисодиётнинг олға етаклаётган асосий кучга айланмоқда.

Таҳлиллар аҳоли даромади 10 фоиз ошса, истеъмол ўртача 8 фоиз кўпайишини кўрсатади. Бу эса фақат истеъмол эмас, балки янги маҳсулотлар, янги хизматлар, қўшимча иш ўринлари ва иқтисодиётда янги қувватлар дегани. Шу маънода, ички бозорда талабни рағбатлантириш жорий йил учун белгиланган устувор йўналиш эмас, балки иқтисодий ўсишнинг табиий локомотиви сифатида намойён бўлмоқда.

Бунёдкорликдан бозоргача йўл

Ички бозорнинг моҳияти иқтисодиётнинг турли қатламларини ўйғунлаштириб, узлуksиз ҳаракатни таъминлайди. Аҳоли эҳтиёжидан кейин қиёб иқтисодиётда энг катта талаб ўй-жой соҳасига тўғри келади. Бугун мамлакатимизда қад кўтарётган кўп қаватли уйлар, янги хизмат объектлари ва ипотека дастурлари аҳолининг турмуш шaroити яхшилангани, шунингдек, иқтисодий барқарорликнинг аниқ кўрсаткичидир. Уй-жойга талаб орттириш қурилиш материаллари, электр техникаси, меъбел ва хизматлар бозорларига янги имкониятлар очади.

Шу боис, бу йилда ипотека учун 23 триллион сўмлик молиявий ресурс ажратиш режалаштирилмоқда. Бу нафақат уй-жой қурилиши ривожлантириш, балки ички талабни рағбатлантиришнинг аниқ ва самарали воситасидир. Уй-жой харид қилишда бошлангич тўлов ва фoиз тўловларининг бир қисmini қоплаш учун 2 триллион 700 миллиард сўмлик субсидия ажратилиши ҳам аҳолининг харид қобилиятини мустаҳкамлайди. Шунингдек, битта квартира учун имтиёзли ипотека кредити миқдори 15 фоиз оширилиши талабни барқарор ва узлуksиз рағбатлантиришнинг яна бир муҳим омилидир.

Келгуси йилда 140 мингта кўп қаватли квартали қурилиши режалаштирилгани шунга яққол мисол: бу аҳолининг уй-жойга эҳтиёжини таъминлаш барoбарига рўзгор учун зарур истеъмол товарларига талабни ҳам оширади. Мазкур талабни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2026 йилда жорий йилги 104 триллион сўм ўрнига 125 триллион сўмлик истеъмол кредити ажратиш кўзда тутилмоқда.



Курилиш ишлари ҳажмини 11 фоиз кўпайтириб, 30 миллиард долларга етказиш режаси ҳам иқтисодиётда қувватни сезиларли даражада оширилиши қурилиш материаллари, уй-рўзгор учун тўқимачилик маҳсулотлари, электр техникаси, меъбеласозлик каби тармоқларга қўшимча бозор яратиш билан бирга ушбу объектларга хизмат кўрсатувчи соҳалар учун ҳам қўшимча имкониятлар очади. Ҳисоб-китобларга кўра, бу 5 миллиард долларлик қўшимча бозор ва 300 мингта янги иш ўрни демокдир.

Янги имкониятлар оқими

Аҳоли даромади ошиши истеъмолни ва хизматларга талабни ҳам сезиларли даражада рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида хизматлар ҳажми қариб 15 фоиз ўсиб, 82 миллиард долларга етди. Бу кўрсаткич аҳолининг сарфлаш қобилияти ва хизматлар ишончи ошгани далолатидир.

Хизматларга талабни рағбатлантириш ва бозорни кенгайтириш мақсадида жорий йилда соҳага 85 триллион сўмлик кредит ва 9 триллион сўмлик субсидия ажратиш режалашти-

рилмоқда. Шунингдек, аҳоли ҳаётининг асосий соҳаларидан бири — таълим хизматлари учун бюджетдан 7 триллион сўм ажратилди. Бу эса хизмат сифати ва имкониятларни кенгайтириш барoбарига аҳолининг истеъмол имкониятини мустаҳкамлайди.

Туризм соҳаси ҳам ички талаб ва хизматлар бозорини ривожлантиришда муҳим драйверга айланмоқда. Кейинги беш йилда хорижлик сайёҳлар сонини икки баравар — 11 миллиондан 20 миллионга кўпайтириш, шу билан бирга, туризм хизматлари қиймати 20 миллиард долларга етказиш бўйича катта марра олинмоқда. Бу валютани жалб қилиш, ички сервис ва инфратузилмани ривожлантириш учун ҳам янги қувватлар яратади.

Хизматлар соҳаси иқтисодиётни барқарор қўллаб-қувватловчи кучга айланиб, ички талабни рағбатлантиришда, аҳоли даромади ва сарфлаш қобилиятини иқтисодий ҳаракатга келтиришда ҳал қилувчи элементга айланмоқда. Жорий йилда тадбиркорларнинг 4 миллиард долларлик 3500 дан зиёд янги сервис объектини ишга тушириши мўлжалланмоқда. Бу аҳолига хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш, ички талабни кучайтириш ва иқтисодиётда янги қувватлар яратиш имкониятини беради. Шу билан бирга, туризм масканларини ташкил қилиш мақсадида келгуси уч йилда 5000 гектар ер аукционга чиқарилиши ҳам режалаштирилиши сайёҳлик инфратузилмани кенгайтириш ва инвестицияларни жалб қилиш учун стратегик қадамдир.

Жорий йилдан "Ўзбекистон мероси меҳмонхоналари" дастури йўлга қўйилади. Маданий

мерос объектларида хусусий шерклик асосида "бутик меҳмонхона" ташкил қилиш учун нуфузли меҳмонхона тармоқлари жалб қилинади. Дастур иштирокчиларига ер, мулк, фойда солиғи ва боқсана тўловлари бўйича имтиёзлар берилиши инвестицияларни рағбатлантириш, туризмда сифат ва рақобатни ошириш учун катта рағбатдир. Бу ташаббуслар ҳисобига жорий йилда хизматлар бозори ҳажмини 100 миллиард доллардан ошириш режалаштирилмоқда.

Туристар оқими тобора ошиб бораётгани авиация ва темир йўлдаги йўловчи ташиш қувватини икки баравар кўпайтиришни талаб қилмоқда. Шу боис, бу йил авионарқадаги ҳаво кемалари сонини 105 тадан 120 тага етказиш ва маҳаллий авиаконструкцияни кўпайтириш учун субсидияларнинг янги тизими жорий этилади. Нарҳидан катти назар, сотилган ҳар бир чипта учун аниқ миқдорда субсидия ажратилиши — чипта нарҳини пасайтириш ва ички барқарор рағбатлантириш учун самарали механизм.

Янги самолётлар учун учувчилар, техник хизмат кўрсатувчилар ва аэропортлардаги бошқарув мутахассисларини тайёрлаш мақсадида Фуқаро авиацияси университети очилди. Бу нафақат авиация соҳасида кадрлар захирасини мустаҳкамлайди, балки ички талаб ва туристик секторни қўллаб-қувватловчи юқори малакали кадрлар базасини яратади.

Янги хизмат ва туризм инфратузилмасига йўналтириладиган инвестициялар нафақат бозорни кенгайтириш, балки ички талабни барқарор рағбатлантириш, туризмни ривожлантириш ва иқтисодиётни янги драйверлар билан таъминлашга хизмат қилади.

Ички бозорни ривожлантириш ва иқтисодиёт ўсиши барқарор қўллаб-қувватлашда транспорт инфратузилмаси муҳим драйвер. Шу боис, навабтадаги беш йилликда ишлаб чиқилган ички темир йўллар дастури мамлакат иқтисодиётига янги суръат бахш этади. Шаҳарларни тезоравр поездлар қатнови билан боғлаш мақсадида бу йилдан яна 500 километр темир йўл қуриш ишлари қўришга киришилади. Шунингдек, келгуси йилда 110 километр темир йўл тармоғи барпо этилади ҳамда Бўка, Пискент, Бекобод, Бойвут туманлари ва Нурафшон шаҳри пойтахт билан боғланади.

Тошкент — Самарқанд йўналишида юқори тезликда ҳаракатланган йўловчи поездлари учун янги темир йўл линиясини қуриш ҳам бошланади. Шу билан бирга, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Навоийдаги вокзалларга хусусий шерклик асосида модернизация қилиниши режалаштирилмоқда. БМТ таҳлиliga кўра, сифати юқори йўллар иқтисодиётнинг ўсишига камида 2 фоизлик тўққиз суръатга олиб келиши мумкин.

Автомобиль йўлларини ривожлантириш ва транзит салоҳиятини ошириш мақсадида ҳам

беш йиллик дастур ишлаб чиқилди. Унга кўра, Андижон — Кўнғирот, Тошкент — Термиз, Самарқанд — Шаҳрисабз ва Олоғ — Саросиё йўналиши бўйича 4000 километрли магистрал йўл халқаро стандартларга мос автобанларга айлантирилади. 2026 йилнинг ўзида Қорақалпоғистон, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарёдан ўтган умумий фойдаланишдаги 300 километрли йўл реконструкция қилиниши кутилмоқда.

Тошкент — Самарқанд, Тошкент — Андижон, Тошкент — Бўстонлиқ, Пунғон — Наманган ва Қарши — Шаҳрисабз йўналишларида юқори тезликда ҳаракатланиш учун 800 километрли йўл қуришга тайёргарлик кўрилади. Қолган 1200 километр йўл 2030 йилга қадар халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда қайта ётқизилади.

Йўл қурилишида аҳолининг фикри, транспорт қатновининг атроф-муҳитга таъсири ҳамда талаблар учун тўққиз суръат мустаҳкамланади. Шунингдек, йўл қурилишида илгор технология ва стандартларни жорий қилиш устувор вазифа этиб белгиланмоқда.

Темир йўл ва автомобиль инфратузилмасини ривожлантириш нафақат логистика ва транспорт салоҳиятини кучайтириб, ички бозорни ҳар қадамга қўллаб-қувватлаш, балки иқтисодиётда янги драйверлар — қурилиш, хизмат, туризм ва ишлаб чиқариш соҳалари учун қўшимча имкониятлар яратади.

Аҳолининг даромади кўпайиб, хорижлик туристар оқими тобора ортиб бораётгани келгуси беш йилда озиқ-овқат маҳсулотларига талабни 1,5 баравар оширишни тақозо қилмоқда. Шу боис, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳажмини ҳозирги 40 миллиард доллардан 60 миллиард долларга етказиш бўйича катта марра олинади. Янги йилда қишлоқ ҳўжалигини қўллаб-қувватлашга 52 триллион сўм ажратиш режалаштирилган. Шу маблаг ҳисобига бозорни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан йил ўн икки ой барқарор нарҳларда таъминлайдиган янги механизм — доимий интервенция тизими йўлга қўйилади.

Худудлардаги "Озиқ-овқат жамғармалари"га ажратилган ресурслар 2,5 баравар кўпайилган, 500 миллиард сўмга етказиш ҳам мўлжалланмоқда. Шунингдек, мева-сабзавот этиштиришга иختисослаштирилган мингта маҳаллада ситими 100 тоннача бўлган кичик совиткичи омборлар барпо этилади. Бу қадамлар маҳсулотларнинг барқарорлигини таъминлаш билан бирга уларнинг сифати ва янги технологиялар асосида захиралини ҳам қамқолайди.

Буларнинг барчаси келгуси йили инфляция даражасини 6-6,5 фоиз туширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, аҳоли даромади ва истеъмол қобилияти ўсиши, ички бозордаги барқарорлик ва ишонч ҳамда иқтисодиётни янги драйверлар билан таъминлаш биргаликда амалга оширилади.

Ички бозорни рағбатлантириш ва аҳоли турмуши сифатига хизмат қилувчи барча чора-тадбирлар ўзаро узвий боғлиқ. Даромадининг ўсиши, уй-жой ва ипотека соҳасидаги инвестициялар, хизматлар ва туризм инфратузилмаси, транспорт ва логистика йўллари ҳамда қишлоқ ҳўжалигидаги самардорликни ошириш чоралари биргаликда иқтисодиётнинг янги драйверларини яратади.

Жорий йилдан бошлаб жорий этиладиган барқарор интервенция тизими, имтиёзли ипотека, хизмат ва туризм субсидиялари, транспорт инфратузилмаси ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маблаглари аҳолига ишонч ва сарфлаш қобилиятини ошириш, ички талабни барқарор рағбатлантириш, янги иш ўринлари ва қўшимча иқтисодий қувватлар очинишга хизмат қилади.

Шу маънода, ички бозорни ривожлантириш иқтисодиётнинг узлуksиз ҳаракатда ушлаб туриш билан бирга мамлакатнинг геосийоси ва иқтисодий тез ўзгаришчан вазиятда ҳам барқарорлигини таъминлайдиган асосий омилга айланмоқда. Бу эса одамлар турмуш даражасини янада юксалтириш, иқтисодиётда янги қувватлар яратиш ва Ўзбекистонни глобал бозорда рақобатбардор давлатга айлантириш йўлида муҳим қадамдир.

Сардор ТОЛИБОВЕВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Давлат сиёсатининг мазкур йўналиши конституциявий даражада мустаҳкамланган. Хусусан, янги таҳрирдаги Конституцияда давлат фаолияти шакллантирилиши ҳамда ижроси очиклик ва шаффофик принциплари асосида амалга оширилиши, шунингдек, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари бюджет жараёни устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳуқуқи белгиланган.

Бу нимаси билан муҳим? Кўпчиликда давлат бюджетни ёки маҳаллий бюджетлар қандай шаклланиши ҳақида умумий тасаввур етарли эмас. Халқона қилиб "давлатнинг пули" деб аталадиган ушбу маблаг аслида халқ тўлаган солиқлар эвазига йиғилган пуллардир. Табиийки, одамлар ўз пули қандай ва қаерга сарфланаятганини назорат қилишга ҳақли. Шу маънода, Бош қонунимиздаги ушбу норма айнан мана шу ҳуқуқни қафолатлайди.

Яқинда "Очиқ бюджет" порталида янги интерактив хизмат — сунъий интеллект асосида ишлайдиган "AI ёрдамчи" чат боти жорий қилинди. Ушбу платформа фуқароларга порталдаги имкониятлардан самарали фойдаланиш ва зарур маълумотларни тезкор олиш имконини беради.

Янги чат бот орқали аҳоли "Ташаббусли бюджет", "Менинг маблагим" ва "Менинг боғим" лойиҳалари ҳамда "Маҳалла бюджети" йўналишларида доир саволларига реал вақтда жавоб олиши мумкин. Тизим фойдаланувчилар мурожаатини автоматик таҳлил қилиб, тегишли маълумотни уларга қисқа муддатда тақдим этади.

Бу янгилик бизга нима беради? Аввало, ушбу рақамли ечим маҳаллий кенгашларнинг назорат ва таҳлил имкониятини кенгайтиради. Улар лойиҳаларининг молиявий самардорлиги ва аҳоли эҳтиёжларига мослигини баҳолашда фаол иштирок эта олади. Шу билан бирга, чат бот орқали аҳолининг ахборотдан хабардорлик даражаси ва жамоатчилик назорати самардорлиги сезиларли даражада ошади. Қолаверса, ушбу интерактив хизматнинг жорий этилиши давлат бюджетни ва маҳаллий ташаббусли бюджет жараёни устидан шаффофик ва очиклини таъминлашга муҳим қадамдир. Бу аҳолининг бюджет қарорларида фаол иштирок этишини рағбатлантириш ва кенгашлар назорат функцияларини тақомиллаштириш имконини юзага келтиради.



Гулнора МАЪРУФОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Айниқса, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг бюджет жараёнидаги иштироки ва назорат функцияларини кучайтириш орқали маҳаллий бюджет маблагларининг мақсадли ва манзилли сарфланишини таъминлашга эътибор кучайтирилди. Натijaда маҳаллий бюджетни бошқаришда худудий манфаатлар ва аҳолининг реал эҳтиёжларини ҳисобга олиш имконияти кенгаймоқда.

Мазкур тенденция давлат бюджетни кўрсаткичларида ҳам ўз аксини тоپтипти. Хусусан, 2025 йил давлат бюджетни параметрлари мамлакат молия тизимида ижобий динамика сақланиб қолганини кўрсатади. Мазкур йилда Ўзбекистоннинг консолидацияланган бюджетни даромади таҳминан 431 триллион сўм атрофида шакллантирилди. Шундан давлат бюджети даромади 308,5 триллион сўмни ташкил этган бўлса, маҳаллий бюджетлар даромади таҳминан 65-70 триллион сўм атрофида бўлди. Бу эса худудий бюджетлар улуши йилдан йилга ортиб



Кучли парламент – демократик жамият асоси

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ МАБЛАҒИ МАҚСАДЛИ САРФЛАНЯПТИМИЗ?

бораётгани ва маҳаллий молиявий мустақиллик босқичи-босқич мустаҳкамланаётганини кўрсатади.

Даромадлар ўсишида қўшилган қиймат, фойда ҳамда жисмоний шахслар даромад солиқлари асосий манбалар сифатида муҳим ўрин эгаллашмоқда. Ушбу солиқ тушумларининг ортиб бориши иқтисодиётимизда ишлаб чиқариш ҳажми ва тадбиркорлик фаоллигининг изчил ўсиб бораётганидан далолат беради. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини янги иш ўринлари очилиши, иқтисодий фаоллик кенгайиши ҳамда маҳаллий бюджетлар даромад базасининг мустаҳкамланишига ҳисса қўшмоқда. Бу эса маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва худудларни иқтисомий-иқтисодий ривожлантириш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилапти.

Сўнгги йилларда давлат бюджетининг саломатли қисми иқтисомий соҳаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилипти. Хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисомий ҳимоя ҳамда коммунал инфратузилмани ривожлантириш каби йўналишларга маҳаллий бюджет маблагининг асосий қисми сарфланапти.

Маҳаллий бюджет маблагларининг қандай тақсимланиши ва қайси лойиҳаларга йўналтирилишида халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари муҳим ўрин тутади. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, бюджет лойиҳасини ҳокимликлар ишлаб чиқади, бироқ уни кўриб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда ижросини назорат

қилиш маҳаллий кенгашлар ваколатига қиради. Бу эса бюджетта доир қарорларни қабул қилиш жараёнида худуд аҳолисининг манфаати, иқтисомий эҳтиёжлари ва маҳаллий ривожланиш устуворликларини инобатга олиш имкониятини кенгайтиради.

Депутатлар ўз сайлов округидаги аҳоли билан доимий мулоқотда бўлгани боис, худудлардаги долзарб муаммоларни яхши билади. Шу жиҳатдан бюджет маблагларини тақсимлашда айнан аҳоли эҳтиёжлари устувор ўринда туради. Масалан, айрим худудларда ичимлик сув тармоғини янгиллаш биринчи даражада вазифа бўлса, бошқа худудларда мактаб ёки тиббиёт муассасаларини таъмирлаш муҳим.

Кейинги йилларда маҳаллий бюджет маблагини тақсимлашда жамоатчилик иштирокини кучайтиришга қаратилган "Ташаббусли бюджет" тизими жорий этилди. Бу механизм фуқароларга ўз худудига амалга оширилиши зарур бўлган лойиҳаларни тақлиф қилиш ва уларни овоз бериш орқали танлаш имконини бermoқда. Натijaда бюджет маблагининг бир қисми бевосита аҳоли ташаббуслари асосида сарфланади.


Таҳлиллар аҳоли илгари сураётган лойиҳаларнинг катта қисми инфратузилмани яхшилашга қаратилганини кўрсатади. Хусусан, маҳалла ички йўлларини таъмирлаш, мактаб ва боғчаларни реконструкция қилиш, тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш ҳамда ичимлик сув тармоқларини янгиллаш каби ташаббуслар энг кўп қўллаб-қувватланаётган йўналишлардан.



Эътиборли жиҳати, бюджет маблагини самарали фойдаланишда назорат механизми муҳим ўрин тутади. Бу жараёнда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фақат ҳисобот эшитиш билан чекланиб қолмай, бюджет ижроси устидан тизимли парламент назоратини амалга оширади. Хусусан, мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботи тингланиб, амалга оширилаётган лойиҳалар жойларда ўрганилади, ажратилган маблагнинг мақсадли ва самарали сарфланиши таҳлил

қилинади. Бу йилдаги худудий бюджет маблагларининг шаффофилиги ва аҳоли манфаатларига хизмат қилишини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Шу билан бирга, рақамли бошқарув тизимининг жорий этилиши ҳам бюджет жараёнида очиклини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бюджет маълумотларининг очик платформаларда эълон қилиниши жамоатчилик назоратини кучайтириб, маблаглар ҳаракатини шаффофик кузатиш имконини бermoқда.



КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК

Барчаси қизиқшдан бошланганди



Ёш Исқандар ҳам шу жараёнда қатнашиб, гиёҳ билан даволашга қизиқиб қолди. Ҳатто табиат қўйидаги доривор ўсимликларнинг қандай ўсишини, қачон етилишини кузатиб, алоҳида дафтрага ёзиб борган.


Мақтабни тугатган, университетнинг биология факультетига ўқишга кирди. Бу ҳам ўсимликлар дунёсини илмий жиҳатдан яқиниқроқ ўрганишга ўзинга хос шараф бўлди. Шундан фойдаланган ҳолда доривор гиёҳларни кўпроқ ўрганди, улардан фойдаланиш борасида тажриба орттирди.

Кейинчалик ўзи мустақил равишда шифобахш ўсимликлар билан даволашни бошлашга чоғланганда дастлаб тажрибали устозлар маслаҳатини олди, иш услубларини ўрганди. Бу йўналишда қатъий ишонч ҳосил қилган, тегишли ташиқлотларнинг расмий рўйхатидан ўтиш иш бошлади.

Ҳар қандай ишнинг аввалида катта-кичик муаммолар, саволлар пайдо бўлиши табиий. Жумладан, доривор гиёҳларни қандай миқдорда тайёрлаш, махсус қадоқларга жойлаб беморга тавсия қилиш осон эмасди. Айниқса, доривор

Ҳар бир рақам ортида инсон тақдирини, ҳар бир ҳисобот асосида эса ҳудудий ривожланишнинг реал манзараси бор. Бугун вилоят иқтисодиётининг қон томири ҳисобланган кичик бизнес субъектлари аҳоли эҳтиёжи учун талабгир маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан бирга кўплаб оилаларнинг даромад топишига кенг имконият яратяпти.

Ҳудудлар ҳаёти



Наманган вилоятида сўнгги йиллардаги кенг қўламли бунёдкорлик ишлари нафақат ҳудуд қиёфасини, балки унинг иқтисодий ва инвестициявий жозибадорлигини ҳам тубдан ўзгартирмоқда. Бу жараённинг энг ёрқин тинимоларидан бири Наманган халқаро аэропортидир. Бугун у шунчаки транспорт инфратузилмаси объекти эмас, балки вилоятнинг халқаро майдонга чиқишидаги стратегик нуқта, туризм ва экспорт салоҳиятини белгилаб берувчи муҳим логистик марказга айланмоқда. Чунки айнан шу маскан орқали Наманганга келувчи хорижий меҳмонлар, инвесторлар ва сайёҳларда дастлабки таассурот шаклланади.

ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ САРИ ЙЎЛ

Ҳозир 140 миллион долларлик инвестиция ҳисобига замонавий, уч қаватли янги терминал барпо этилмоқда. Лойиҳа амалга ошган, аэропортнинг йўловчи қабул қилиш қуввати 2,5 баробар ошиши кутилляпти. Бу эса парвозлар сони кўпайиши билан бирга халқаро йўналишлар географиясининг кенгайишига ҳам хизмат қилади.

Янги терминалда чегара ва боғжона назорати, виза бўлими, бизнес зал, савдо ва овқатланиш шохбозчалари, тиббиёт хонаси, замонавий "Duty free" дўконлари ташкил этилиши режалаштирилган. Инфратузилманинг бундай комплекс ривожланиши аэропортнинг халқаро стандартларга мос йирик авиация хабига айлантириш имконини беради.

Бу ўзгаришлар бежиз эмас. Чунки Наманганда 65-халқаро гуллар фестивалини янгича форматда, бетакорр ва кўтаринки руҳда ўтказиш режалаштирилган. Ушбу сайёҳаракатлар вилоятнинг глобал маданий ва туристик майдонга ўзини янада мустаҳкамлашга қаратилган, узқини кўзлаган стратегиянинг бир қисmidир. Айниқса, маъzur халқаро фестиваль дастлаб маҳаллалардан бошланиши учун ишлар бошлаб юборилгани фикримиз тасдиғидир.

маҳаллий бозорда, балки хорижда ҳам танилиб бормоқда. Балиқчилик, қўлпўнайчилик, хунармандчилик каби соҳалар эса туризм ва иқтисодиётнинг ўзига хос драйверларига айланмоқда. Миллий руҳ ва замонавий ёндашув уйғунлиги тадбиркорларнинг туризм салоҳиятини ошириш йўлидаги асосий мақсадига айланган. Янги Наманган туманида фаолият юритаётган "Қамолхон ота" миллий ошхонаси ана шундай ташаббусларнинг ёрқин намунаси. Мажмуа миллий услубда барпо этилган бўлиб, XVI-XIX асрларга оид ноҳир ашёлар билан безатилган. Бу ерда тарихий муҳит ва замонавий сервис уйғунлашган.

Лойиҳа ташаббускори, тадбиркор Муҳаммад Қазақовнинг таъкидлашича, шу пайтга қадар 11 миллион сўмлик ишлар бажарилган. Мажмуа бир вақтнинг ўзида 1000 кишига хизмат кўрсатиш имконига эга. Артавқа ва хунармандлик маркази ташкил этиш ишлари давом этмоқда. Бу каби объектиларда нафақат овқатланиш хизмати кўрсатилади, балки маданий-туристик марказ вазиёсини ҳам бажаради. Меҳмон бу ерда миллий таомлардан баҳраманд бўлиш билан бирга халқ амалий санъати ва тарихий мероси билан ҳам яқиндан танишади.

1544 та, Шаҳрисабз шаҳрида 1479 та корхона фаолият юритаётди.

Бугунги кичик бизнес субъектлари фақат савдо билан чекланиб қолмай, юқори қўшилган қиймат яратуви соҳаларга дадил кириб борапти. Ҳисоботлар таҳлилига кўра, жами корхоналарнинг энг катта улуши, аниқроғи 9559 таси савдо соҳасига тўғри келади. Турли хизматлар кўрсатиш бўйича 6104 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиғида 4487 та, саноатда 2876 та, қурилишда 2012 та ташкилот ва корхона фаолият юритиб келаяпти.

2025 йилнинг январь-декабрь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотларда кичик тадбиркорлик субъектлари улуши 69,2 фоизни ташкил қилди. Фаолият турлари бўйича энг юқори улуш хизмат кўрсатишда — 43,1 фоиз, саноатда — 17,7 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиғида — 31,5 фоиз ва қурилишда — 7,7 фоиз.

Кичик бизнес субъектларининг вилоят иқтисодиётидаги ўрни уларнинг сонидан ташқари бажараётган иш ҳажми билан ҳам ўлчанади. Хусусан, саноат маҳсулотлари бўйича уларнинг улуши ўтган йили 19 минг 668,5 миллиард сўмни, қурилиш ишларида 12 минг 464,2 миллиард сўмни, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар бўйича 15 минг 744 миллиард сўмни, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиғида 47 минг 491,1 миллиард сўмни, чакана савдо айланмасида 29 минг 327,3 миллиард сўмни ва хизмат кўрсатиш соҳасида 40 минг 582,1 миллиард сўмни ташкил этди.

Ҳар қандай ишнинг аввалида катта-кичик муаммолар, саволлар пайдо бўлиши табиий. Жумладан, доривор гиёҳларни қандай миқдорда тайёрлаш, махсус қадоқларга жойлаб беморга тавсия қилиш осон эмасди. Айниқса, доривор

Ақбар РАҲМОНОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

ПАХТАДАН – ТАЙЁР МАҲСУЛОТГА

БУ ЖАҲОН БОЗОРИДА ЎЗБЕКИСТОН НОМИНИ ТАНИТМОҚДА

Узоқ йиллар халқаро майдонда Ўзбекистонга асосан хомашё, хусусан, пахта етказиб берадиган мамлакат сифатида қаралган. Бироқ бу "оқ олтин" ортида оғир тақдирлар, инсон кадрини поймол этилгани, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат билан боғлиқ аччиқ ҳақиқатлар тургани ҳам сир эмас. Ушбу ҳолат ўз ўрнида жаҳон бозорида ўзбек пахтасига чекловлар ўрнатилишига сабаб бўлган.



Янги Ўзбекистондаги янгиланишлар барча соҳа қатори, қишлоқ хўжалиғи ва энгил саноатда ҳам туб бурилиш ясади. Йиллар давомида тўпланиб қолган масалалар бирма-бир ечимини топа бошлади. Мамлакатимиз етказилишининг сиёсий иродаси билан мажбурий меҳнатга чек қўйилди. Очиқлик, шаффофлик ва инсон қадрини улуғлаш давлат сиёсатининг устувор тамойилига айланди. Натижада Ўзбек пахтасига қўйилган бойкот бекор қилинди.

Бундай тарихий ўзгаришлар ижтимоий адолатни тиклаш билан бирга мамлакат иқтисодиёти барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди. Айниқса, энгил саноатда мутлақо янги йўналиш шаклланди. Ўзбекистон энди пахтани фақат хомашё сифатида сотадиган эмас, балки уни чуқур қайта ишлаб, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган давлатга айланди. Толадан тайёр маҳсулотгача бўлган тўлиқ ишлаб чиқариш занжири босқичма-босқич йўлга қўйилди.

Бу жараён энгил саноатнинг жадал ривожланишига кенг йўл очди. Янги тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналари барпо этилди, замонавий технологиялар жорий қилинди.



Маҳаллий маҳсулотлар "Made in Uzbekistan" бренди остида халқаро кўргазмалар ва нуфузли бозорларда ўз ўрнини топа бошлади.

Муҳими, ислохотлар иқтисодий самара билан бирга ижтимоий барқарорликни ҳам таъминлади. Айниқса, ёшлар ва аёллар учун минглаб доимий иш ўринлари очилди, ҳудудлар салоҳияти ошди, аҳоли даромади ўсди. Бу ўзгаришлар ислохотларнинг инсон манфаатига қаратилгани, давлат сиёсати марказида инсон қадри турганининг яққол тасдиғи бўлди.

Сўнгги йилларда Жиззах вилоятида тўқимачилик ҳамда тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми изчил кўпайиб, маъzur тармоқ ҳудуд иқтисодиётининг таянч соҳаларидан бирига айланиб бормоқда. Ҳозир ҳудудда фаолият юритаётган юздан зиёд тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида 5000 дан ортиқ юртдошимиз ишлаяпти.

2025 йил якунларига кўра, вилоятда тайёр трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми қариб 250 миллионга етди. Шу билан бирга,

экспорт улущини ошириш мақсадида жорий йил учун 75 миллион долларлик марра белги қилинган. Бу кўрсаткичлар Жиззах вилоятида ишлаб чиқариш қуввати қўлами кенгаётгани, маҳсулот турлари ва сифати халқаро бозор талабларига мослашиб бораётганидан далолат беради.

Соҳадаги туб ўзгаришларни ўтган ўн йиллик билан солиштирганда ислохотлар миёнаси янада ойдинлашди. Хусусан, 2017 йилда пахтани чуқур қайта ишлаш, яъни уни калава ип ҳолига қайта ишлаш даражаси атғи 20-25 фоизни ташкил этарди. Ҳозир йирик инвестиция лойиҳалари ва кластер тизими жорий этилиши натижада толадан тайёр маҳсулотгача бўлган қўшилган қиймат занжирининг тўлиқ цикли йўлга қўйилляпти.

"Mirzachul Agroklastor Group" МЧЖ 2023 йили Мирзачўл туманида ташкил этилган. Ушбу корхона ҳам ислохотларнинг яққол намунаси. Кластер фаолиятининг илк кунлариданоқ қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантириш, ҳудудда етиштириладиган хомашёни қайта ишлаб, экспорт салоҳиятини юксалтиришни устувор вазифа қилган. Муҳими, бу каби лойиҳалар орқали туман аҳолиси бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили "Mirzachul Agroklastor Group" МЧЖ 508 та фермер хўжалиғи билан тузилган шартномалар асосида 55 минг тоннадан ортиқ — умумий қиймати 305 миллиард сўмдан зиёд пахта хомашёси захирасини шакллантиришга эришди. Хориждан келтирилган пахта нави тўғри танлангани туфайли ҳосилдорлик сезиларли даражада ошди. Шу билан бирга, 2025 йилга мўлжалланган 26 миллион долларлик инвестиция ҳисобига пахтани қайта ишлаш тармоғи тўлиқ йўлга қўйилди. Натижада "пахта — калава ип — мато — тайёр кийим" занжири тўлақонли шаклланди. Бугун ушбу замонавий тизимда 1200 дан ортиқ хотин-қиз, ёшлар доимий иш билан банд.

Аҳамиятлиси, агрокластернинг чўл шароитидаги пахтачиликда эришган натижаси бутун

республика фермерлари учун илғор тажриба мактаби вазиёсини ўтамоқда. Ўтган мавсумда пахтадан ўртача 50-55 центнер ҳосил олинди. 27 фермер эса тажрибали устозлар кўмағида ҳар гектардан 85 центнергача ҳосил олишга эришди. Ана шу тажрибани кенг омдалаштириш мақсадида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Мирзачўл инновацион қишлоқ хўжалиғи азамат мактаби" ташкил этилди. Жорий йилда республика бўйича 1000 нафар фермер ушбу мактабда ўқитилиши белгиланган.

— Агрокластеримизда Хитой ва Германиядан 31,5 миллиард сўмлик ускуналар келтирилган. Улар кўмағида калава ипдан ягона технологик жараёнда сифатли ва экспортбоп матолар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. — дейди агрокластер бош ҳосилоти Музаффар Зайиддинов. — Шунингдек, янги ҳайдов тракторлари ва пахта териш машиналари харид қилинди. Жорий йилда чигитни қайта ишлаш заводи ва мато буёш цехи ишга туширилди. Натижада қўшимча 300 та, жами 1500 та доимий иш ўрни очилди. Маҳаллий маҳсулотларимизнинг "Made in Uzbekistan" ёрқин билан жаҳон бозорига йўл олаётганидан эса ҳақиқи равишда фахрланамиз.

— 2025 йилда Жиззах вилоятида тўқимачилик ва трикотаж соҳаларида ишлаб чиқариш ҳажми 5,1 триллион сўмга етказилди. Яъни жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмида ушбу тармоқ улуши 15 фоизни ташкил этди, — дейди вилоят ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдამчиси Сарвар Абдуллоев. — Бунинг натижасида вилоятимизда энгил саноат соҳадаги асосий йўналишлардан бирига айланди. 2026-2027 йилларда соҳани янада ривожлантириш мақсад қилинган. Бунинг учун аниқ рақамлар орқали вазиёлар белгиланган олинган. Жумладан, калава ипни қайта ишлаш даражасини 30 фоиздан 50 фоизгача оширмоқчимиз. Шунингдек, 81 минг тонна тола, 81,7 минг тонна калава ип, 42,6 минг тонна трикотаж мато, 17 миллион квадрат метр газлама, 11,9 миллион жуфт пайпоқ, 57 миллион дона тикув-трикотаж ҳамда 277,7 минг дона тикув маҳсулотли ишлаб чиқарилишига эришмоқчимиз. Шу орқали экспорт ҳажминини 75 миллион долларга етказиш режа қилинган. Маррани забт этиш йўлида маҳаллий ва хорижий сармоядорларни ҳамкорликка чорлаганмиз. Ҳозир замонавий технология асосланган янги корхоналар барпо этилмоқда. Ушбу сайёҳаракатлар натижасида Жиззахни мамлакатнинг энгил саноатдаги асосий экспорт ҳудудларидан бирига айлантириш мақсад қилинган.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда юртимиздаги ислохотлар ўзининг аниқ ва барқарор натижасини бормоқда. Бу, ўз ўрнида, мамлакатимиз иқтисодий барқарорлиги, аҳоли фаровонлиги ва "Made in Uzbekistan" брендининг жаҳон бозоридagi маккени янада мустаҳкамлашга хизмат қилапти.

Фарҳод НЕЪМАТОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



Аэропорт ҳудудида кунига 50 тонна юкни қайта ишлаш имкониятига эга замонавий юк терминали ҳам барпо этилмоқда. Ушбу майдонга орқали 90 та мамлакатга маҳсулот экспорт қилиш имконияти яратилади. Энг муҳими, водий ҳудудида ягона карго тизими йўлга қўйилди.

Бу эса Наманганнинг аграр, саноат ва хунармандчилик маҳсулотларини жаҳон бозорига тез ва самарали етказиб беришида янги имкониятлар эшитини очди. Логистика занжирининг қисқариши маҳсулот таннаҳини пайсатириб, рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Демак, аэропорт модернизацияси фақат транспорт масаласи эмас, балки иқтисодий тараққиёт стратегиясининг муҳим бўғинидир.

Брендлар ва драйверлар

Вилоятда туризмни диверсификация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий гастрономик туризм марказларини шакллантириш, ҳудудий брендларни илгари суриш, агротуризм ва хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш ана шу сайёҳаракатларнинг амалий ифодаси.

Наманган брендлари — "Чортоқ" минерал суви, ширмойнон, Чуст пичоғи нафақат

Сифат ва ишонч омили

Сайёҳликнинг истиқболли яна бир йўналиши тиббиёт туризмидир. Наманган шаҳридаги Зиекор маҳалласида жойлашган "Буран ЭКУ" репродуктив саломатлик маркази бу борадаги дастлабки амалий қадамлар натижаси.

Клиника Германиядан олиб келинган илғор тиббий технологиялар ва замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Айни пайтда муассасада малакали 25 шифокор ва тиббиёт ходими фаолият юритмоқда. Қўрсатилаётган хизматлар сифати, техник жиҳозланиш даражаси ва беморлар учун яратилган шароитлар тиббий туризмни ривожлантириш учун мустаҳкам замин ҳозирламоқда.

Репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, оилавий барқарорликни қўллаб-қувватлаш ва соғлом авлод туғилишига хизмат қилиш бугун нафақат тиббий, балки ижтимоий аҳамиятга эга. Шу нуқтан назардан хусусий сектордаги замонавий клиникалар фаолияти ушбу дундаги инвестициявий жозибадорлигини ҳам оширишга хизмат қилмоқда.

— Тизимли ислохотлар барқарор тараққиёт кафолатидир, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари Боттиржон Нуриддинов. — Намангандаги бунёдкорлик ишлари алоҳида-алоҳида лойиҳалар йиғиндисидир эмас. Улар ўзаро боғланган, тизимли ва стратегик ёндашувга асосланган ислохотлардир. Аэропорт модернизацияси ташқи олоқаларни кучайтириш, карго тизими экспортни кенгайтириш, гастрономик ва маданий марказлар туризм жозибадорлигини ошириш, замонавий тиббиёт муассасалари эса ижтимоий барқарорликни таъминлашга ҳисса бўлиб қўшилади.

Энг муҳими, бу ўзгаришлар ортида инсон омили — тадбиркорлар ташаббуси, мутахассислар салоҳияти ва ҳудуд раҳбариятининг қатъияти турибди. Натижада Наманган нафақат водий, балки бутун мамлакат миқёсида янги иқтисодий ва сайёҳлик маркази сифатида шаклланиб бормоқда.

Ошиқ осмон остидаги дарвоза — аэропортдан бошланган тараққиёт йўли ҳудуднинг янги қиёфаси, янги имкониятлари ва янги истиқболларини намоян этмоқда.

Одилжон ИНОМОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси





Муносабат

ХАЛҚНИНГ ОФИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШ — КАТТА МАСЪУЛИЯТ

Бугун Ўзбекистон тараққиётнинг янги, янада юксак босқичига қадам қўймоқда. Ушбу жараённинг марказида инсон қадр ва унинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш масаласи турибди. Президентимиз раислигида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, Халқ қабулхоналари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш ва жамоатчилик фикрини чуқур таҳлил қилиш масалалари юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши барча бўғиндаги раҳбарлар, хусусан, олий таълим муассасалари мутасаддилари зиммасига катта масъулият юклайди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимиз аҳолиси 38 миллиондан ошиб, одамлар дунёқарашу ва эҳтиёжи ўзгараётган бир пайтда бошқарув тизими ҳам ана шу шиддатта мос равишда янгиланиши шарт. Энди раҳбарлик фаолиятининг энг асосий кўрсаткичи қозғоқдаги рақамлар эмас, балки халқнинг ҳаётдан розилиги ва муаммоларнинг қай даражада ечим топаётганидир. Аҳоли мурожаатлари билан ишлашда масалаларни “муҳим” ва “иккинчи даражада”га ажратиш — энг катта ҳаёт. Инсон учун бошига тушган муаммо энг устувор масаладир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мурожаат ортда инсон тақдир ва давлатга ишончи турганини ҳар бир мутасадди юракдан ҳис қилиши шарт. Юзаки жавоб бериш ёки муаммони қуйи тизимга йўналтириб, масъулиятдан қутулиш вақти ўтди.

Интеграция

2026 йилнинг Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили деб эълон қилиниши биз, илм-фан вакиллари зиммасига ҳам улкан вазифалар юклайди. Фаргона давлат университети жамоаси мазкур ислохотларни тарғиб этиш ва амалий кўмак бериш мақсадида “Кучли маҳалладан кучли жамият сари” гоясини асосий мезон қилиб белгилади.

Университетимиз нафақат таълим маскани, балки вилоят маҳаллаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда фаол кўмакчи (драйвер) сифатида майдонга чиқмоқда. Фаргона шаҳридаги 17 та маҳалла университетга бириктирилиб, биргина жорий йилнинг ўтган даврида қилинган ишлар рақамлари эмас, инсонлар тақдирини ўз аксини топди. Хусусан, маҳаллабай ишлаш тизими доирасидаги сай-ҳаракатлар аниқ йўналишларда натижа бермоқда.

Жумладан, ўтказилган 60 дан зиёд маънавий-маърифий тадбирга 2300 дан ортққ еш қамраб олинди. Натижада уларнинг 46 нафари спорт, робототехника ва хорижий тиллар тўғрисидаги бугунги ҳаётнинг аниқ таълим ва педагогларни



Кадрлар тайёрлаш жараёнини бозор талабларига мослаштириш учун маҳаллабай ишлаш тизимини дуал таълим билан боғладик. Бугун 11 таълим йўналиши бўйича 984 талабамиз бевосита ишлаб чиқариш ва корхоналар билан узвий боғланган ҳолда таҳсил олмақда.

аралашуви билан низоли 13 та, ажрашши ёқасига келиб қолган 7 та ёш оила яраттирилиб, мустақамлиги таъминланди. Шунингдек, ОТМ профессор-ўқитувчилари ишлаб чиққан 75 та лойиҳанинг 23 таси ҳаётга таълиқ этилиши орқали 213 фуқаронинг бандлиги таъминланди, 42 нафарига эса имтиёзли кредитлар олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Фаргона вилоятининг Олтиариқ, Тошлоқ ва Езёвон туманларидаги маҳаллаларда 60 дан ортққ янги саннат ва хизмат кўрсатиш лойиҳалари шакллантирилди. Тикув-трикотаж, мебелсозлик ва гулчилик йўналишларида 1000 дан ортққ янги иш ўрни очилди бўйича аниқ тақриблик илгари сурилди.

Таълим ва саннат ҳамкорлиги: дуал таълим модели

Кадрлар тайёрлаш жараёнини бозор талабларига мослаштириш учун маҳаллабай ишлаш тизимини дуал таълим билан боғладик. Бугун 11 таълим йўналиши бўйича 984 талабамиз бевосита ишлаб чиқариш ва корхоналар билан узвий боғланган ҳолда

таҳсил олмақда. Ушбу тизимнинг афзалликлари ҳақида гапирганда бевосита ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этаётган талабаларимизнинг фикрлари эътиборга молик.

— Дуал таълим тизими биз учун улкан имкониятлар эшигини очди, — дейди Фаргона шаҳри “Машъал” маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Dilrabo travel” оилавий корхонасида фаолият юритаётган талабамиз Ўлмасжон Мамаинов. — Илгари фақат аудиторияда назарий билим олиш билан чекланган бўлсак, ҳозир куннинг биринчи ярмини университетда ўтказиб, иккинчи ярмида корхонада замонавий технологиялар билан ишлаймиз. Бу тизим менга нафақат билимларимни амалда синаш, балки ўқишни битирмасданқо тайёр иш жойига эга бўлиш имконини берди. Энг муҳими, Президентимизнинг ҳар бир инсон тақдирини, унинг эртанги кунини ва бандлигини бефарқ эмаслигини амалда ҳис қилишимиз.

Ислохотлар асоси

“Ҳар бир инсоннинг муаммосини билиш” тамойили университетимиз ҳаётида ҳам устувор аҳамият касб этган. Хусусан, 2025 йил сентябрь-ноябрь ойларида ўтказиш аниқланаган “Ректор ва ёшлар” учрашувлари доирасида 1-босқичда ўқиётган 5540 талаба билан бевосита мулоқот ўрнатилди. Очқ мулоқотларда ёшларнинг таълим сифати, маънавий-маърифий ва моддий таъминот билан боғлиқ 70 дан зиёд тақлифи университетимиз махсус “Йўл харитаси”га киритилиб, ижроси қатъий назоратга олинди.

Ушбу тақлифлар асосида бошланган ишларимиз бугун ижобий натижа бермоқда. Иқтисодиёт факультети кампуси ва 7-талабалар турар жойи капитал таъмирланиб, замонавий андозларга мослаштирилди. Талабалар турар жойларидаги “Беж ташаббус” хоналари 80 та янги спорт жиҳози ва 10 та тикув машиниси билан бойитилди.

Ахборот-ресурс маркази фонди 7667 та янги ўқув адабиёти, талабалар турар жойларидаги кубухоналар эса 1200 та бадий китоб билан таъминланди. Иқтидорли

550 талабамиз учун юртимиздаги қадимий шаҳарларга сەҳнатлар уюштирилди.

Ёшларнинг бундай вақтини маъмурий ташкил этиш мақсадида “Тўмарис измошлари”, “Амир Темур ворислари” спорт мусобақалари ҳамда “Талаба баҳори”, “Энг яхши театр студияси” каби ижодий ташаббуслар мунтазам ўтказилди. Бу каби мулоқотлар талабаларнинг нафақат сифатли таълим олиши, балки муаммолари ҳам раҳбарларнинг диққат марказида эканини амалда ҳис қилишига хизмат қилмоқда.

Халқнинг розилиги — ислохотларимизнинг бош мақсади ва энг олий муқофоти. Зеро, раҳбарнинг ҳақиқий рейтингини қозғоқдаги ҳисоботларида эмас, балки у ҳал этган муаммолар ва халқнинг кўзидagi миннатдорликда намоён бўлади. Президентимиз кўрсатиб берган “Қарши таърибаси” асосида биз ҳам маҳаллаларни нафақат истиқомат жойи, балки замонавий ишлаб чиқариш ва инновациялар масканига айлантириш йўлида барча салоҳиятимизни сафарбар этамиз.

Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ, Фаргона давлат университети ректори

Мулоҳаза

Инсоният тамаддуни бугун ўз тараққиётининг энг нозик ва ҳал қилувчи палласида турибди. Глобал миқёсда кузатилаётган иқлим ўзгаришлари, табиий ресурслар кескин камайиши ва экологик мувозанат бузилиши дунё ҳамжамияти олдига кечиктириб бўлмас вазифаларни кўндаланг қўймоқда. Айнан шундай таҳликали бир даврда мамлакатимизда она табиатни асраб-авайлаш ҳамда экологик барқарорликни таъминлашга қаратилаётган юксак эътибор барчамизда келажакка ишонччи мустаҳкамлайди.

“ЯШИЛ” ПЕДАГОГИКА УНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ДАВР ТАЛАБИ

Экологик муаммоларни фақат маъмурий йўл, яъни жарималар ёки тақлиқлар орқали ҳал этиб бўлмайди. Бунга эришишнинг ягона ва энг самарали йўли ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат ҳамда дахлдорлик ҳиссини тарбиялашдир. Шу маънода, экология соҳасидаги ишлар аҳолини яхшилаш ҳар бир фуқаронинг виждон иши ва бурчи саналади.

Шу ўринда мамлакатимизда Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгариши ўрганиш университетининг экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши каби йўналишлар бўйича етакчи таянч олий таълим муассасаси сифатида белгиланиши соҳада фундаментал ўзгаришларга замин яратишини таъкидлаш лозим. Ушбу даргоҳда “циркуляр иқтисодиёт” таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилиши ресурсларни тежаш ва чиқиндисиз ишлаб чиқариш технологияларини ўзлаштирган янги авлод мутахассисларини шакллантиришга хизмат қилади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида “яшил техникумлар” ташкил этилиши эса ўрта бўғин мутахассисларида ҳам экологик кўникмаларни шакллантириш имконини беради.

Таълим тизимидаги бу каби ислохотлар шунчаки янги фанларнинг киритилиши билан чекланиб қолмайди. Табиий фанлар, муҳандислик-техника, иқтисодиёт ва молия йўналишларидаги давлат олий таълим факультетларида “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яшил ривожланиш” фани ҳамда ўқув дастурлари жорий этилиши бўлажак муҳандис, иқтисодчи ёки молиячи инсон ҳар қандай лойиҳани амалга оширишда экологик оқибатларни ҳисобга олишга ундайди. Давлат буюртмаси асосида аниқ ва табиий фанлар, муҳандислик-техника, хизматлар, тиббиёт каби соҳаларда грант ўринлар босқичма-босқич оширилиб бориши, шунингдек, “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан нуфузли хорижий олийгоҳларда экология йўналишида таҳсил олиш учун махсус квоталар ажратилиши давлатимизнинг интеллектуал салоҳиятини “яшил” тараққиётга йўналтираётганидан далоятдир.

Айни шу нуқтада замонавий педагогиканинг янги ва ўта муҳим йўналиши — “яшил” педагогика тушунчаси кун тартибига чиқди. Бу шунчаки ўқувчиларга табиатни асраш кераклигини ўқитиш эмас, балки таълим-тарбия жараёнининг бутунлай янги ҳақиқатидир. “Яшил” педагогика инсонлар ва жамоаларга уларни ўраб турган атроф-муҳит ҳақида чуқур билим олишга, олган билимларини амалиётда қўллашга ва энг муҳими, табиат билан уйғунликда яшаш маданиятини шакллантиришга ёрдам берадиган ёндашув саналади. Мазкур педагогик оқим XXI асрнинг глобал қаҳриқларига жавоб бера оладиган, мустақил ва танқидий фикрлайдиган, масъулиятли шахсни тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

“Яшил” педагогика тарихи ва ривожланиш босқичларига назар ташласак, унинг илдизлари Вена шаҳридаги Аграр ва атроф-муҳит педагогикаси университети коллежига бориб тақалишини кўрамиз. Дастлаб қишлоқ ҳўжалиги, экологик ва педагогик амалиётларни ўзаро боғлаш усули сифатида ишлаб чиқилган ушбу тизим ўқувчиларда табиатга нисбатан мустаҳкам ва қатъий муносабатни шакллантиришга қаратилган эди. Гарчи жаҳон илм-фанида ушбу



Бекзод ХҲЖАЕВ, педагогика фанлари доктори, профессор

йўналишининг тан олиниши ва кенг ёйилиши осон кечмаган бўлса-да, бугунги кунда у барқарор тараққиётнинг энг муҳим омилларидан бирига айланди. “Яшил” педагогика конструктивизм, экспериментал таълим ва концептуал ўзгариш каби машҳур назарияларга таянган ва уларни янги мазмун билан бойитди.

Хусусан, конструктивизм назарияси “яшил” педагогикада ўқувчининг ҳамкорлик, муҳофиза ва таҳлил орқали янги билимларни мустақил кашф этиш жараёнида намоён

бўлади. Колбнинг экспериментал таълим назарияси эса тажрибалар орқали ўрганишнинг узлуқсиз жараёнига айлантиришни кўзда тутди. Яъни ўқувчи шунчаки назарий маълумотни эшитмайди, балки муаммони де-конструкция, реконструкция ва рефлексия қилиш орқали ўзлаштиради. Бу жараёнда ўқувчи пассив тингловчида фаол тадқиқотчи, муаммолар ечимини изловчи ижодкорга айланади. Концептуал ўзгариш назарияси эса ўқувчилардаги мавжуд нотўғри қарашларни аниқлаш ва уларни илмий асосланган янги тушуночалар билан алмаштиришга хизмат қилади.



2026 йил 18 март, 52-сон

экологик муаммоларга доир мақолаларни ўқиш ва таҳлил қилиш орқали ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш қобилияти ривожланади, дунёқарашини кенгайтирилади. “Яшил” педагогика ўқувчиларга қозғоқ, сув ва энергия ресурсларини тежаш, чиқиндиларни қайта ишлаш ҳамда компост тайёрлаш каби оддий, аммо ҳаётий зарур кўникмаларни ўргатади. Бу билимларнинг барчаси жамланиб, жамиятда экологик маданият юксалишига олиб келади.

“Яшил” педагогиканинг олтинга асосий йўналиши — ҳамкорлик орқали жамоа шаклланиши, рефлексия, қутлимган вазиятларга тайёрлик, фаол ҳаракат, безовталик ва ҳис-туйғу — таълим-тарбия жараёнини жонли организмга айлантиради. Айниқса, “безовталик” тушунчаси бу ерда ижобий маънода, яъни атроф-муҳит тақдирини ўқувчи қайғуриш ва лоқайд бўлмастлик мазмунда тушунилади. Ўқувчи табиатга етказилаётган зарарни кўриб, бефарқ ўтиб кета олмайдиган, аксинча, вазиятни ўнгаш учун ҳаракатга тушадиган шахсга айланади. Бу эса “ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат ҳиссини тарбиялаш” гоясининг амалдagi ижросидир.

“Яшил” педагогика трансдисциплинарлик, чизикли парадигмаларни қайта қуриш, тизимли фикрлаш ва мета фикрлаш каби пойдеворларга таянади. Тизимли фикрлаш ўқувчиларга дунёни узук-юлук бўлақлар йиғиндисидати сифатида эмас, балки ўзаро боғлиқ мураккаб тизим сифатида кўришни ўргатади. Масалан, бир жойда даракнинг кесилиши нафақат ўша худуднинг кўркини бузиши, балки тупроқ таркибига, ҳаво сифатига, ер ости сувларига ҳам таъсир қилишига олиб келиши қандайдир таъсир қилишини тушуниш тизимли фикрлаш мевасидир. “Яшил” педагогика ўқувчиларни мураккаб ва ноаниқ келажакка тайёрлайди, уларда ностандарт вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш кўникмасини шакллантиради.



қилиб, мактабда ёки университетда олинган билимлар ўқувчининг уйда, иш жойида ва жамиятдаги фаолиятда экологик ҳавфсиз амалиётлар шаклида аксини топади. Бу эса БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси томонидан ишлаб чиқилган экологик ҳавфсизлик компетенциялари билан ҳамохандир.

Ушбу педагогик ёндашув қатор тамойилларга асосланади: у педагогик мазмунга нисбатан фанларро ёндашув бўлиб, экологик ва иқтисодий парадигмаларни бирлаштиради, келажак муаммоларига ечим топишга йўналтирилган, маданий жиҳатдан сезгир ва қадриятларга таянган ҳолда ҳис-туйғуларни ривожлантиради. Энг муҳими, “яшил” педагогика амалиёт, ҳаёт, табиат ва маданият уйғунлигига қаратилган яхлит тизим сифатида намоён бўлади. Бунда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатлар ҳам ўзгаради — улар ягона мақсад йўлида ҳамкорлик қилувчи жамоага айланади.

Таълим жараёнида “яшил” педагогика қўлланилиши ҳар бир фаннинг мазмун-моҳиятини бойитишга хизмат қилади. Масалан, математикани олайлик: ўқитувчи шунчаки формуллارни ёдлатиш ўрнига, ўқувчиларга ўз оиласининг углерод изини ҳисоблашни ёки экологик ҳавфсиз бинолар лойиҳаси сметасини тузишни топшириши мумкин. Бу орқали ўқувчи нафақат математик амалларини бажаради, балки ўз турмуш тарзининг табиатга таъсирини рақамларда кўради ва таҳлил қилади. Табиий фанлар дарсларида синфхонадан ташқарига чиқиб, маҳаллий бог ёки ўрмонга уюштирилган дала сайрлари ўқувчиларга экотизимлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини бевосита кузатиш ҳамда ҳис қилиш имконини беради. Китобдаги расмдан кўра ўз кўзи билан кўрган ва қўли билан ушлаган нарсаси бола хотирасида умрбод муҳрланади ҳамда унда табиатни асраш истагини уйғатади.

Ижтимоий-гуманитар фанлар ҳам бундан мустасно эмас. Тарих ёки ижтимоий фанлар ўқитувчиси ўқувчилар билан иқлим ўзгаришининг инсоният тарихидаги ўрни, цивилизациялар инқирози ва экологик омиллар ўртасидаги боғлиқлиқни муҳофиза қилиши мумкин. Инглиз тили дарсларида глобал

QR code and text: УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

